

Автосалондаги ҳолат

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф



18:37 / 11.08.2020 5022

Ассалому алайкум! Мен автосалонда ишлайман. Банклар биздан (Автосалонимиздан) мижозларига кредитга машина бериш учун биздан машина сотиб оладилар. Яъни, биздан олиб бошқаларга 2-3 йилга кредит қилиб беришади. Шунини ҳукми қандай?

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати:

– Ва алайкум ассалом! Аслида шариатга мувофиқлаштиришни бир пиёла чой ичишчалик қийинчилиги йўқ. Биз буни кўп банкирларга таклиф ҳам қилдик.

Муробаҳа ва тавлия савдоси.

(Фойда қўйиб сотиш ва тан нархига сотиш).

Муробаҳа савдосида сотувчи сотаётган нарсасини ўзи сотиб олган ёки ўзига тушган нархни устига қанчадир фойда қўяётганини айтиб сотади. Масалан, сотувчи харидорга “Мен бу материални ўзим сотиб олган ёки ўзимга тушган фалон нархни устига ўн фойиз қўйиб сотаман”-дейди.

Тавлия савдосида сотувчи сотилаётган нарсасини қанчага олган бўлса ўша нархда сотади. Масалан сотувчи “Мен бу нарсани ўн минг сўмга олган эдим. Сизга ҳам ўн минг сўмга сотаман”-дейди.

Сотувчилар бу икки савдо борасида ўта диёнатли ва тўғри сўз бўлишлари лозим. Ҳатто сотувчи бирор нарсани насиёга олиб сотаётган бўлса шуни ҳам харидорга айтишлари зарур. Агар харидор муробаҳа савдосида сотувчининг нарх борасида ёлғон гапириб сотганини билиб қолса, савдони бузиши мумкин. Агар бу ҳолат тавлия савдосида содир бўлса, харидор сотувчининг ёлғон гапириб зиёда қилган нархни бермай тан нархини бериб сотиб олади.

Сотувчи бирор нарсани сотиб олиб уни сақлаш ёки бошқа бирор жойга олиб бориш ёки унга ниманидир қўшиш учун унга қанчадир пул сарфласа, уни ҳам харидордан олади. Бу суратда сотувчи харидорга “Бу нарсани мен шунчага сотиб олдим”- демасдан, “Бу нарса менга шунчага тушди”-дейиши лозим.

Муробаҳа савдоси орқали кишиларни молиялаштириш.

Муробаҳа савдоси аслида кишиларни қандайдир йўл билан молиялаштириш ёки судхўрлик қилиб уларга қарз бериш эмас, балки у олди сотдининг бир туридир. Шунинг учун ҳам савдо вақтида олди сотдининг умумий қоидаларини ва юқорида баён қилинган муробаҳа савдосининг шартларини яхши билиб олиш зарур.

Муробаҳа савдоси орқали кишиларни молиялаштиришнинг энг яхши йўли; бир киши ўзига маъқул бўлган нарсани олмоқчи бўлсаю пули етмаса бирор молиялаштириш имконига эга бўлган шахсга ёки муассасага мурожаат қилади. Бу суратда молиялаштириш имконига эга бўлган шахс ёки муассаса ўша сотилаётган нарсани аввал ўзига сотиб олиб қўлига киритади, сўнгра ўша нарсанинг устига маълум бир фойдани қўйиб мазкур мижозга сотади. Молиялаштириш имконига эга бўлган шахс ёки муассаса мижоз олмоқчи бўлган нарсани харид қилишида учинчи бир шахсни ўзига вакил қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Шунингдек, хоҳласа ўша мижозни ўзини ҳам вакил қилишлари мумкин. Бунда у молиялаштириш имконига эга бўлган шахс ёки муассаса томонидан харид қилади ва қўлга киритади. Сўнгра улар билан бирор нархга келишиб имкони етган миқдордаги пулни беради ва қолганини насиё қилиб бериш йўли билан сотиб олади. Бу суратда мижоз уларнинг вакили ҳамда шу вақтнинг ўзида шарият эътиборидан омонатдор ҳам ҳисобланади. Сотиб олинган нарса эса,

молиялаштириш имконига эга бўлган шахснинг ёки муассасанинг мулкига ва жавобгарлигига ўтади. Шунинг учун ҳам фаразан ўша нарса тасодифий ходиса сабабли талофот кўрса ёки ҳалок бўлса, мазкур вакил бўлган харидор уни тўлаб беришга жавобгар бўлмайди. Аммо, улардан сотиб олганда, ўзининг мулкига ва жавобгарлигига ўтади.

Хулоса шуки муробаҳа савдоси орқали кишиларни молиялаштиришда қуйидаги тартибларни билиш лозим.

1. Мижоз ва молиялаштириш имконига эга бўлган шахс ёки муассаса умумий бир аҳдлашув қиладилар. Унда молиялаштириш имконига эга бўлган шахс ёки муассаса мижозга ўша нарсани сотишни ва мижоз уни ўша қийматдан ёки уларга тушган ўша нархдан ортиқ бўлган нархга сотиб олишни ваъда қилади.

2. Молиялаштириш имконига эга бўлган шахс ёки муассаса мазкур мижозни ўша нарса ёки буюмни харид қилиш ва қўлга киритишга вакил қилишлари мумкин. Ушбу вакил қилиш аҳдлашувида икки тараф ҳам келишувга дастхат, яъни имзо қўядилар.

3. Мижоз олинаётган буюмни молиялаштириш имконига эга бўлган шахс ёки муассаса томонидан харид қилади ва уларнинг вакили сифатида қўлга киритади.

4. Мижоз олинаётган нарсани харид қилиб қўлга киритганидан кейин уларни хабардор қилади ҳамда ўзи сотиб олишини уларга таклиф қилади.

5. Молиялаштириш имконига эга бўлган шахс ёки муассаса мижознинг ушбу таклифини қабул қилади ва унга сотади ва шу билан мазкур нарса унинг мулки ва жавобгарлигига ўтади.

Қуйида ушбу бешта ишни тартибини яхшилаб билиб олиш зарур бўлади.

Молиялаштиришнинг асл сурати.

Ислонда молиялаштиришнинг энг яхши йўли шериклик ёки музорабага пул тикишдир. Шунинг учун рибосиз бўлган банкларда шу икки услубдан фойдаланилади. Юқорида баён қилинган савдо қоидаларига мувофиқ муробаҳа савдосидан фойдаланиш учун мажбур бўлганда ижозат берилади. Қуйида муробаҳа савдоси орқали молиялаштиришга тегишли бир қанча муҳим масалалар зикр қилинади.

1. Молиялаштираётган шахс ёки муассаса мижозга олиб берган нарсасининг насия бўлган қиймати эвазига мижоздан бирор нарсани гаровга қўйишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

2. Мижоз молиялаштираётган шахс ёки муассасага пулни қачон беришини ваъда қилаётганда қўшимча равишда “Агар мижоз фалон вақтгача пулни бера олмаса, келишилган нархдан ортиқ фалон сўмни бирор хайрия фондига тўлаб беради”-деб келишишлари мумкин.

3. Молиялаштираётган шахс ёки муассасанинг нарсаларини муробаҳа савдоси орқали сотиш ва мижознинг ундан сотиб олиш аҳдномаларини қози ҳам амалга ошириши мумкин. Бунда мободо бирор томон хиёнат қилса қози унинг ҳаққини ундириб беради.

Валлоҳу аълам!

savollar.islom.uz